



АНОР МЕВАСИНИ ЕТИШТИРИШ АГРОТЕХНИКАСИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА БИЛИМ ВА ИННОВАЦИЯЛАР МИЛЛИЙ
МАРКАЗИ
АКАДЕМИК МАҲМУД МИРЗАЕВ НОМИДАГИ
БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ ТАДҚИҚОТ
ИНСТИТУТИ

ФАРҒОНА ИЛМИЙ ТАЖРИБА СТАНЦИЯСИ

Тузувчилар:

А. Маҳмудов, А. Машрапов, И.Норматов.Х. Алиев

Ушбу тавсияномада анорнинг биологик хусусиятлари, инсон саломатлигини сақлашдаги тутган ўрни тўғрисида батафсил баён қилинган. Шунингдек анорзорда юқори ва сифатли мева олиш бўйича агротехник тадбирлар тўғрисида тавсиялар берилган.

Тавсиянома мутахассислар, боғбон-соҳибкорлар ва томорқа эгалари учун мўлжалланган.

ФАРҒОНА-2023 й

Кириш.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислох қилиш бўйича ташкилий чора тадбирлари тўғрисида”ги фармони ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамаси, Қишлоқ ва сув хўжалиги буйруқ ва қарорлари мева ва сабзавотчилик тармоғини такомиллаштиришда муҳим ўрин тутди. Шу жумладан Фарғона вилоятида анор етиштирувчи хўжаликларни ташкил этиш ва ушбу фаолият билан шуғулланувчи хусусий сектор вакилларига кўмаклашиш, илмий-тадқиқот институтлари билан ҳамкорликда илмий ишлар олиб бориш, инновацион ресурс тежайдиган технологиялар асосида анор кўчатлари ва маҳсулотини етиштириш, уни қайта ишлашни комплекс ривожлантириш, соҳанинг экспорт салоҳиятини янада юксалтириш ҳамда аҳоли бандлиги ва даромадлари даражасини ошириш, айниқса, қишлоқ жойларда янги иш ўринлари яратиш механизмини таъминлайдиган ягона ташкилий тизимни йўлга қўйиш мақсадида **Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 4 октябрдаги №791-сонли “Фарғона вилоятида анор етиштиришни кўпайтириш ва соҳани ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”** ги қарори қабул қилинди.

Бунга асосан Фарғона вилояти туманларида 2018-2020 йилларда анорзорлар ташкил этиш, талаб этиладиган кўчатлар ва маблағлар ҳамда яратилadиган кўшимча янги иш ўринлари бўйича

ҲИСОБ-КИТОБЛАР КЎРСАТКИЧЛАРИ

Т/р	Худудлар номи	Анорзор ташкил этиладиган майдон, га	шундан:			Талаб этиладиган кўчат сони, минг дона	Талаб этиладиган маблағ, млн сўм	шундан:			Яратилadиган иш ўрни
			2018 йил кузда	2019 йил	2020 йил			кўчат учун	экиш харажатлари	иш хақи	
1.	Қувасой шаҳри	1500	380	510	610	1200	5250	4800	345	105	2250
2.	Бешариқ тумани	1700	300	810	590	1360	5950	5440	391	119	2550
3.	Бағдод тумани	1500	310	550	640	1200	5250	4800	345	105	2250
4.	Бувайда тумани	1500	290	600	610	1200	5250	4800	345	105	2250
5.	Данғара тумани	1000	310	300	390	800	3500	3200	230	70	1500
6.	Ёзёвон тумани	1500	240	440	820	1200	5250	4800	345	105	2250
7.	Қува тумани	1000	620	300	80	800	3500	3200	230	70	1500
8.	Олтиариқ тумани	1000	380	300	320	800	3500	3200	230	70	1500
9.	Кўштепа тумани	1700	250	700	750	1360	5950	5440	391	119	2550
10.	Риштон тумани	1800	310	540	950	1440	6300	5760	414	126	2700
11.	Тошлоқ тумани	500	310	160	30	400	1750	1600	115	35	750
12.	Ўзбекистон тумани	1500	350	450	700	1200	5250	4800	345	105	2250
13.	Учкўприк тумани	1500	320	500	680	1200	5250	4800	345	105	2250
14.	Фарғона тумани	1500	350	600	550	1200	5250	4800	345	105	2250
15.	Фурқат тумани	800	280	240	280	640	2800	2560	184	56	1200
Жами:		20000	5000	7000	8000	16000	70000	64000	4600	1400	30000

Ўрта Осиё мамлакатлари ичида Ўзбекистон шароитида етиштириладиган мевалар қадимдан ўзининг мазаси ҳамда мева сифати юқорилиги билан дунёга машхурдир. Ўзбекистонда етиштирилаётган мевалардан тайёрланадиган қайта ишланган махсулотлар ҳам сифати юқорилиги билан ажралиб туради (қиёмлар, қуритилган мевалар, шарбатлар вахокозолар).

Анор- эрамиздан 2000-3000 йил олдин Осиёда жуда кўп тарқалган. Яқин шарқда ва Ўрта Осиёда, Хиндистонда “Анор”, Туркияда “Нарр”, Арманистонда “Нурн”, Испан тилида “Granade” инглиз тилида “Pomegranada” деб аталган. Анор асосан Закавказье, Эрон, Афғонистон, Ўрта Осиё ва Мисрда кўп тарқалган.

Мамлакатимизда қадимдан экиладиган мева экини. Ватани Олд Осиё (Озарбайжон, Эрон ва Афғонистон ҳудудлари). Анор (*Punica L*) туркумининг иккита – маданий (*P. granatum*) ва ёввойи (*P. protopunica*)т урлари мавжуд бўлиб, ёввойи анор истеъмол қилинмайди. Анор меваси таркибида 8-21 % гача шакар, 0,5-5 % гача турли кислоталар, 6 мг % гача С витамини бор. Анор меваси таркибидаги кислота миқдори бўйича уч гуруҳга: 1. 0,9 % гача бўлса – ширин; 2. 0,9-1,8 % гача яримширин; 3. 1,8 % дан ортиқ бўлса аччиқ анорга бўлинади. Анордан кондитер саноатида ва тиббиётда фойдаланилади. Анор пўчоғида, шох-шаббасида ва илдизида ошловчи (32%) ва бўёқ моддалари кўп бўлганлигидан ошловчи модда сифатида калава ип, газламаларни бўяшда ҳамда сиёх тайёрлашда ишлатилади. Ёввойи анор меваларидан лимон кислотаси олинади (таркибида 4-9 % гача бўлади). Уруғи таркибида 12-17 % озиқ-овқатда ишлатиладиган мой олинади. Ингичка новдаларидан пишиқ саватлар тўқилади.

Анор суви таркибида таннидлар ва темир моддаси кўплиги туфайли ундан атеросклероз ва бошқа касалликларни, пўчоғи

ва илдизи қайнатмасидан эса ошқозон-ичак, юрак-томир, ангина, астма, тутқаноқ каби касалликларни даволашда фойдаланилади. Анор суви иштаҳани очади, ундан хушхўр ичимлик тайёрланади. Гули жуда чиройли бўлгани учун манзарали ўсимлик сифатида ҳам экилади.

Анорнинг гули икки хил: биринчиси йирик, уруғчиси узун, кўзасимон бўлади ва улар 5,0-11,5 % ни ташкил қилади. Иккинчиси майда, уруғчиси қисқа, кўнғироқсимон гул бўлади ва бу гуллар мева тугмайди. Анор меваси йирик, қалин пўстли, мева қати ва тушиб кетадиган косачаси бўлиб, вазни 250-800 г ва ундан оғир бўлади. Меваси 6-12 уяли, жуда сердон бўлади (300-1500 тагача дон). Уларнинг ҳар бири сершира парда билан ўралган, дони оч пушти рангдан, тўқ қизил, ҳатто қорамтир рангда бўлади.

Анорнинг кўп навлари ўтқазилгандан кейин 3-4 йили ҳосилга киради ва 6-7 йилдан бошлаб тўлиқ ҳосил бера бошлайди. 50 йил ва ундан ортиқ ҳосил бериши мумкин. Тупидан ўртача 25-30 кг гача ҳосил олинади.



Анорнинг ўсув даври 180-225 кун. У ёруғсевар ва намсевар ўсимлик, лекин нам меъеридан ортиқ бўлса, жуда ўсиб кетади ва кам ҳосил беради.

Анор совуққа чидамсиз ўсимлик, шунинг учун кўпчилик майдонларда, у тупроққа кўмиб ўстирилади.

Ёруғликка талаби – ёруғсевар ўсимлик,

Хароратга талаби – иссиқсевар ўсимлик, фойдали харорат йиғиндиси 5000 °С га етганда ундан аъло сифатли мева олинади. Жанубий худудларда анор денгиз сатхидан 1200 м баланндликда, қарийиб 700 мм ёғингарчилик тушадиган лалмикор ерларда етиштирилади. Харорат -12-15 С° гача пасайганда бир йиллик новдалари, -15-16 С° да шох – шаббалир қаттиқ зарланади, -18-20 С° да барча ер устки қисми нобуд бўлади.

Намликка талаби – қурғоқчиликка чидамли, аммо уни сув билан яхши таминланган ерлардагина ўстириш мумкин. Сув етишмаслиги июльдан октябргача бўлган даврда ҳосилдорликни камайтради, мевалари майда бўлиб қолади.

Тупроққа талаби – унимдор, кумоқ, бўз, сувни яхши ўтказадиган тупроқларда яхши ўсади. Анор совуқ шамоллардан химояланган ва қуёш нури қиздириб турадиган унимдор бўз тупроқларда, кумоқ тупроқларда, ва тошлоқ тупроқларларда яхши ўсиб ҳосил беради. Шўрланган ва ботқоқлашган ерларда яхши ўсмайди.

Экиш схемалари –анор кўчатлари суғориладиган ерларда тупроқ иқлим шароитига қараб 4x2, 4x3, 3x3 м схемаларда, лалмикор ерларда 5x4 м схемаларда экилади. анор тупларини қишда кўмиш кўзда тутиб, бир тамонга қисман жануб тамонга қияроқ қилиб экилади.

Ўғитлаш – ёш анор боғларга гектарига 60 кг азот, 60 кг фосфор, 30 кг калий соф холда, 20 тонна гўнг солинади.

Ҳосил берадиган мевали анор боғларга гектарига 140-150 кг азот, 135 кг фосфор, 60 кг калий соф холда минерал ўғитлар ҳамда 25-30 тонна гўнг солинади.

Суғориш – Ҳосилга кирган анор ўсув даврида 9-10 марта суғорилади. Суғориш нормаси гектарига 800-900 м³, анор туплари қишда осон бўлиши учун ўсув даврида бостириб суғорилади. Шохлар моғорламаслиги учун қишда суғорилмайди, лекин қиш жуда қуруқ келганида бир – икки марта гектарига 1500-2000 м³ меъёрида суғорилади.

Анор ёш кўчатлари ўтқазилганда сўнг дастлабки йили вегетация даври давомида 10-12 марта (гектарига 600-700 м³ хисобида) суғорилади. Анорлар тупроқнинг намлиги дала нам сифимига нисбатан 75-80 % да сақланади. Охирги сув октябрнинг биринчи ўн кунлигида берилди. Хар галги суғришдан сўнг тупроқ етилиш билан суғориш эгатлари ва анор таглари ҳамда қатор оралари юмшатилади.

Боғ учун жой танлаш

Боғ учун жой танлашда иқлим шароитларини, иқлим шароити жойнинг баландлиги, тупроғи муҳим аҳамиятга эга. Бироз нишоб, тупроғи унумдор пастки қатлами тошли, шағалли, дарё водийлардаги ерлар боғ барпо қилиш учун жуда қулайдир. Шағал тошли қатлами юза жойлашган ерларда (Фарғона водийси ва бошқаларда) ўрик ва қисман шафтоли яхши ўсиши мумкин. Жанубий вилоятларда (Сурхондарё), Фарғона водийсида вегетация даври узоқ ва иссиқ бўлгани туфайли анжир, анор, унаби каби субтропик ўсимликлар яхши ўсади ва ҳосил беради.

Кўпчилик мева турлари ўрта ва енгил қумоқ тупроқ бўлган маданий бўз тупроғда яхши ҳосил беради.

Хар бир тур ва нав тупроқ ва иқлимга нисбатан ўзига хос талабчан бўлади. Шу сабабли уларни ўсиши ва ҳосил бериши учун энг қулай шароитни яратиб жойлаштириш керак. Хар бир тур ва хатто хар бир нави ташқи муҳитга бўлган талабчанлиги турлича бўлади. Шу сабабли уларни парвариш қилиш агротехникаси табақалашган бўлиши лозим. Бунга эришиш учун турлар алоҳида – алоҳида участкаларга навлар эса алоҳида қаторларга жойлаштрилади. Навлар эса уларни ҳосили бирин кетин пишиб териб олинадиган қилиб, яни дастлаб эрта пишар кейин ўрта пишар ва охириги қаторларга кеч пишар навлар ўтказилади. Дарахтларнинг бундай жойлаштирилиши ерни ишлаши, шох шаббани буташ, зараркунанда ва хашоратларга қарши кураш ҳосилни еғиштириш, сақлашни ҳисобга олиш билан бирга ишларни осонлаштрилади осонлаштиради. Навлар шундай жойлашиши лозимки, мавсум даврида боғдан бир меъёрда иш билан таъминлансин. Боғдаги асосий турлар 6 - 8 навдан, бошқалар 3 – 5 турдан иборат бўлиб улар хар хил муддатларда пишадиган бўлиши лозим.

Мевали кўчатларни жойлаштириш.

Мевали дарахтларнинг жойлаштиришда дарахтларнинг ўсиши ва ҳосил беришга зарар етказмаган ҳолда ўсимликларнинг озиқланиши майдонидан иложи борича тўлароқ фарқланиш кўзда тутилади. Шу билан бир вақитда боғ ерини ишлаш ва дарахтларни парвариш қилиш механизмларини ҳисобга олиш лозим. Текислик майдонларда мева дарахтлари уч усулга: квадрат, тўғри бурчак ва шахмат усулларида жойлаштрилади. Хозир кўпроқ тўғри бурчак


усулида жойлаштирилмоқда. Бу усулда қаторлардаги туплар орасига нисбатан бир мунча (1-2 м) кенгрок қолдирилади. Оқибатда 1,0 га ерга бошқа усулларга нисбатан кўпроқ дарахт ўтказилади. Қаторларда дарахтларнинг шох шаббаси бир бирига тезроқ тутшиб кетади, юқорига томон чўзилиб кетмайди ва бир бирини сиқиб қўймайди. Шох шаббаси камайтирилган қатор оралари томон ўсади. Бу усул мева дарахтларини қалин ва сийрак ўтказишдаги афзалликларни ўз ичига олади. Тўғри бурчак усулда ўтказилган дарахтлар шамол, қора совуқ ва бошқа ноқулай шароитда бир бирини химоя қилади.



Боғдаги дарахтлар орасидаги масофани белгилашда ўсимликларнинг биологик хусусиятлари (ер устки қисимлари ва илдиз системасининг хажми) ҳамда улар учун ажратилган озикланиш майдонидан уларнинг иқтисодий жихатдан қанчалик мақсадга мувофиқ фойдаланиш эътиборга олинади. Қуйида анор боғларини озикланиш майдонлари берилган:

Тупрок-иқлим шароитига қараб 4x2 м, 4x2.5 м, 4x3 м, 3x3 м, 5x4 м схемаларда экилади.

Мевали дарахтларни жойлаштириш усуллари:



а). квадрат, б). тўғри бурчакли, в). шахмат усулда.



Тўғри тўртбурчак усулда боғни экишга тайёр майдон.

Ерни кўчат ўтказишга тайёрлаш.

Боққа ўтказиладиган кўчатларнинг тутиши ёш дарахтларнинг ўсиши хосилга кириш вақти, хосилдорлиги, узок яшаши ва мухит шароитига чидамлиги, ерни кўчат ўтказишга сифатли тайёрлашга боғлиқ. Боғ барпо қилишдан олдин пухта тайёрланган тупроқдагина соғлом ва бақувват ўсимликлар яхши ривожланади. Тупроқни тайёрлаш ерни текислаш, хайдаш ва ўғитлашдан иборат. Боғ барпо қилишдан олдин экилган экинларнинг ҳам ахамияти катта.

Боғ экиладиган майдонни текислашдан мақсад суғорганда сувни бир текис таъминлашдан иборат. Суғоргандан кейин майдон етилиши билан 1.0 га майдонга 20-25 тонна чириган махаллий гўнг, 600-800 кг суперфосфат, 150-200 кг калий (физик тук холда) минерал ўғитлари солиниб майдон плуг билан 35-40 см (бўз тупроқларда) шағалли тош тупроқларда эса минерал ва органик ўғитлар миқдори кўпайтрилади, 25 – 30 см чуқурликда хайдалади. Кучсиз ва кам ишланган тупроқларга боғ барпо қилишда бир – икки йил олдин дон дуккакли экин, картошка, сабзавот ва сидерат экинлар экилгани маъқул.


Боғ майдонини режалаш.

Майдонни режалаш асосий ва ёрдамчи йўллар ҳамда ихота дарахт турлари учун жой ажратишдан бошланади.

Квартал ёки кичик майдон ажратишдан олдин тўғри бурчаклар белгилаб чиқилади. Тўғри тиргаклар хосил қилиш учун эккер ишлатилади, эккер бўлмаса чизимча ёки ўлчайдиган лентадан фойдаланилади. Тўғри бурчакнинг қозиклар қоқилган асосий томони бўйлаб А нуқтадан Б нуқтагача 8 м масофа ўлчаб олинади ва қозикча қоқиб белгиланади кейин асосий томонга тик қилиб А нуқтадан В нуқтагача 6 м масофа ўлчаб олиниб (кўчатлар қандай қалинликда экилиши мўлжалланган масофа олинади) унга ҳам қозик қоқилади А ва В нуқталар туташтирилади, уларнинг оралиғи 10 м бўлиши керак. Бунда Б,

А, В тўғри бурчак ҳосил бўлади. АБ ва АВ чизиқларнинг охиригача қозиқлар қоқиб чиқилади. Уларнинг охирида ҳам шундай тўғри бурчаклар ҳосил қилиниб, бошқа нуқталарда ҳам иш такрорланади.

Экиладиган кўчатлар ўрнига қозиқчалар қоқилиб, улар иккилантирилади ва МТЗ 80 трактори каналкапател ёрдамида эгатлар олиниб белгиланган нуқталарга кўчат қўйилиб қўлда экилади. Кичик майдонларда эса чуқурлар қўлда эни 70 – 100 см, чуқурлиги 60 – 10 см кавланиб экилади.



(майдонларни режалаишда 90° бурчак чиқариш усули)

Кўчат экиш.

Анор мевали кўчатини ўтказишда бошқа мевали кўчатларга нисбатан боғ барпо қилиш яъни экишда бир томонга 35°C бурчакликда қиялатиб экилади бунга сабаб Ўзбекистон шароитида қишининг совуқ келиши натижасида анорнинг мева ва асосий шохлари совуқ уриши туфайли кеч кузда кўмишга қулай бўлиши учун анор дарахтларини шундай экиш тавсия этилади. Анор кўчатлари қаламчаларидан кўпайтирилади шу боис кўчатларини экишда чуқурроқ экиш айниқса тупроқ-

иқлим шароити оғир ва сизот сувлари чуқур ерларда экиш илдиз системасини яхши ривожлантиришга хизмат қилади.



Ёш боғларни парваришлаш.

Ёш анорзорлар қатор ораларига оралик қишлоқ хўжалиги экинларини экишда қатор ораларига юза ишлов бериладиган экинлар экиш мақсадга мувофиқ булар, сабзавот, полиз, дуккакли экинлар, картошка, ва ер ёнғоқ каби экинлар экиш тавсия этилади, ёш боғларнинг қатор ораларига маккажўхори, буғдой ва шунга ўхшаш бўйчанг ва маълум бир пишиш арафасида сувдан чекланувчи экинлар экиш ярамайди. Чунки булар дарахтларга соя қилиб, қатор ораларида хаво айланишини қийинлаштиради. Анорзорларни қатор ораларига тўқсонбости экинларини ҳам экиш тавсия этилмайди чунки анорзорларни совуқдан асраш мақсадида тупроққа кўмилгани боис кўмиш пайтида бир нечта муаммоларни кетириб чиқаради. Бундан ташқари тўқсонбости экинларни қиш фаслининг қурғоқчилик пайтларида кўшимча суғориш оқибатида намликни ошиб кетиши натижасида анор шохлари моғорлашиб салбий ҳолатга келиб қолади.

Оралик экинлар экилганда ёзнинг қуруқ ва иссиқ кунларида тупроқнинг устки қисми ўсимлик палаги билан

химояланганлиги сабабли намлик даражаси етарли бўлади ва у ерда микроорганизмлар фаоляти ва уларнинг ривожланишига яхши шароит яратилганлиги сабабли миқдори ҳам кўп бўлади. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон шароитида ёш боғлар қатор ораларини оралик экинлар билан банд қилиш боғ ривожланишига ижобий таъсир кўрсатади.

Анор касаллиги ва зараркунандалари ҳамда уларга қарши кураш.

Алтернэрия касаллиги. *Alternaria alternata* *alborescens* замбуруғлари “Меванинг ички қисмининг чириш касаллиги” анорга таъсир қилувчи кучли замбуруғлардан биридир. Бошланишида анор мевасининг юзасида боғларида кичкина қизғиш, қўнғир думалоқ доғлар пайдо бўлади. Ички чириш касаллиги боғларда кўп ҳолатларда гуллаш ва мева ривожланишининг бошланғич даврларда ёмғирдан кейин пайдо бўлади ва сақлаш давригача ривожланиш давом этади. Бу касаллик гул косаси атрофидан тарқалади. Касалланган меванинг қаттиқ қалин қобиғи соғлом кўринади ва қаттиқлигича қолади. Ички ўзаги эса гул косадан тортиб қисман ёки тўлиқ чирийди ва мевада кичкина қўнғир-қўнғир доғлар пайдо бўлади. Касаллик ривожлангани сари жигарранг доғлар катталашиб қўшилиб кетади ва мевалар чиришни бошлайди.



Касалликка қарши кураш: Анор дарахтини сувсизликда ва ортиқча суғоришдан ҳимоя қилиш, акс ҳолда мевалар ёрилиши кузатилади. Барча меваларни боғдан олиб чиқиб йўқотиш тавсия қиланади. Касалликни назорат қилиш учун мева теримдан олдин дала санитарияга роия қилиш ва фунгицидлардан фойдаланиш тавсия қилинади. Кимёвий қарши курашда Олтингугут ва охак (ИСО) қайнатмасини тиним даврида 5 С⁰ ли, ўсув даврида 0.5 С⁰ ли қилиб қўллаш, Бордо суюқлиги тиним даврида 3%ли (100 литр сувга 3 кг мис купороси ва 3 кг охак) пуркаш, ўсув даврида 1% ли (100 литр сувга 1 кг мис купороси ва 1 кг охак) эритмаисни вегитация даврида 3-4 марта қўллаш тавсия қилинади. Бундан ташқари Энтолучо 1 кг/га, Энтосаран 0.5-0.6 л/га, қўшимча қўллаш ҳам самарали фойда беради.

Анор шираси. Анор дарахтининг ёш ўсувчи новдалари, гул баргчаларида, ёш мева тугунларида тўда-тўда бўлиб жойлашади. Шира хашорати баргдаги ва шохлардаги тана ширасини сўриб озиқланади, натижада дарахтларни ўсиши секинлашади, ўсувчи шохлар ва баргларбуришиб бужмайиб қолади. Шира хашоратидан чиққан ширин суюқликда барг, тугунча ва меваларни ифлослайдиган, қурумсимон замбуруғлар

пайдо бўлади, хашорат етказган поялар шишиб мўртлашиб қолади.



Анор мевахўри. Унинг тухумидан чиққан личинкалари анор меваларнинг қобиғи йўлдоши, эти ва данак мағзи билан озиқланади. Қуртлари озиқланаётганида меваларни ўз ахлати билан ифлослайди ва бундан мевалар чириydi. Қурт тушган



меваларнинг учки қисми курумсимон қора замбруғ билан қопланади ва улар истемолга ярамайди. Бази йиллари бу зараркунанда ҳосилга 20-70 % гача зарар келтиради. Бир мавсумда 5-6 мартага авлод беради.

Комсток қурти. Бу хашорат энг хавфли ҳаммахўр хашорат бўлиб Республикамида ички карантин зараркунандалари жумласига киради ва 300 хил ўсимликни зарарлайди. Мевали дарахтлардан айниқса анор, беҳи, олма, нок, шафтоли ва шунингдек тут дарахтларига кучли даражада зарар келтиради. Комсток қурт анор дарахтининг илдиз бўғзи,



бачки новдалар, бутоқлари, ёриқлари барг, гуллари, меваларида тўда-тўда бўлиб жойлашади. Бу зараркунанда мева косачаси ёрилган меваларда айниқса кўп бўлиб кучли зарарлайди. Дарахтнинг илдиз бўғзи ковак ёриқларда ерга тўкилган барглар остида мева косачаларида тухум холатида қишлайди. Бу тухумлар урғочи қуртнинг танасидан ажралиб чиққан мум

момик оқ ғубор тагида тўда-тўда бўлиб жойлашади. Бахорда личинкалари март ойини охири апрель ойининг бошларида тухумдан чиқади. Мамлакатимиз шароитида комсток қурти 1 йилда 3 марта авлод беради.

Қарши кураш чоралари: Агротехник тадбирларни ўз вақтида сифатли қилиб бажариш, биологик курашишда анор шираси, канаси, мевахўр қуртларга қарши апрел, май, июнь ойларда мумтазам олтинкўз личинкаларини қўллаш орқали экологик соф махсулот олиш мумкин.

Кимёвий курашда зараркунандаларнинг хаддан зиёд кўпайиб кетган тақдирда Агрофос Д-55% эм.к, Нурел Д 55% эм.к препаратидан 1 л/га, Талстар 10% эм.к ёки Атилла 5% эм.к пестицидларини 0.5 л/га ҳисобида қўллаш тавсия этилади.

Ўзбекистонда етиштириладиган анор навлари.

Анор навлари - Қизил анор, Аччиқ дона, Оқ дона (туя тиш), Қозоқи, Қай аччиқ анор, Қува анори, Десертный, Гюлейша розовая, Ульфи, Белый сладкий, Мягкосемянный розовый, Иранский, Сулу-ширин, Пейп-шелл, Олег, Кавадане, Бала-Мюрсаль, Мягкосемянный сладкий, Салаватский, Вир №1, Кадагорский, Мягкосемянный ВИРа, Кубарчатий, Эшерский, Сурет, Закатальский қизил, Мирза навлари тарқалган.



Қизил анор – мевасининг пўсти юпқа, тўқ қизил ёки қизил бўлади. Бир дона мевасини ўртача оғирлиги 200-250 гр, таркида 15-15.5% қанд, 1.5-1.9% кислота, 50-55% шарбат олиш мумкин. Катталиги ўртача, дони тўқ қизил, йирик, ундан 50-55 фоиз миқдорда шарбат чиқарилади. Қизил анор маҳаллий нав бўлиб, у Ўзбекистонда кўп

тарқалган. Мевасини пишиши 120-140 кунни ташкил қилади. Бир тупидан 25-30 кг ҳосил олиш мумкин, гектаридан 200-250 ц/га ўртача ҳосил беради.



Аччик дона – Тошкент, Сурхандарё ва Фарғона водийсининг бази районларида экиладиган нав. Серхосил, меваси октябрь, ойида пишади. Меваси ясси думалок, йирик, ҳар бири 300-400 грамм келади. Қобиғи қалин, пишганда мевалари бир текс қизил. Мазаси нордон–ширин.



Қозоқи анор – мевалари ўртача йирикрок (230-250 г). мазаси нордон-ширин, меваси таркибида 1.2-1.4% кислота, 15-16% қанд, 45-50 % шарбат чиқади. Октябр ойида пишади, 6-7 ой сақланади. Серхосил, ҳар тупидан 40 кг гача ҳосил олинади.



Оқ дона (туя тиш) – меваси ясси думалок, йирик ҳар – бири 240-250 гр. (унимдор тупроқларда ундан ҳам йирикрок бўлади) Қобиғи юпқа, қаттиқ, пишганда мевасининг ранги оч сариқ ёки оқиш – қизил. Шарбати оч пушти, ширин, мазали. Тупининг бўйи 2-5 метр бута шаклида бўлиб, навдаси тиканли, сертармоқ. Бир тупидан 25-30 кг ҳосил олиш мумкин. 7-8 йилда тўлиқ ҳосилга киради.



Десертный- нави жанубий Ўзбекистон мевачилик-узумчилик станциясида яратилган. 1986 йилда Республика бўйича давлат реестрига киритилган. Бу нав совуққа ва қурғоқчиликка чидамли, зараркунанда ва касалликлар билан кам зарарланади, меваси октябрнинг биринчи ўн кунлигида пишади. Пўсти қизил, мевасининг ўртача вазни 350 гр, бу навнинг энг

яхши фазилати шундаки, унинг данаги юмшоқ ва майда, шарбатининг ранги тўқ-қизил, мазаси нордон-ширин. Шарбат миқдори юқори 5.7%, шарбатида 17.2% қанд бор, мазасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 4.5 балл. Ҳосилдорлиги 88.0 ц/га, энг юқори ҳосилдорлик 103.3 ц/га.

КЗЫЛ УЛУЧШЕННЫЙ нави-Ўзбекистон халқ селецияси



натижасида яратилган. 1981 йилдан Сурхондарё вилояти бўйича давлат реестрига киритилган. Бу навнинг бутаси ўртача, мазаси октябрнинг учунчи ўн кунлигида пишади. Меваси шарсимон хажми 150-400 гр гача катталиқда бўлиб,

мевасининг ўртача вазни 210 гр, шарбати олча рангли, мазаси нордон-ширин, хушбўй, мевасининг пишган вақтидаги таъм баҳоси 4.4 балл. Ҳосилдорлиги 52 ц/га, энг юқори ҳосилдорлиги 82.7 ц/га ни ташкил этади.



Ульфи- бўйи 3 м га етади, меваси йирик ўртача оғирлиги 350-400 гр. Мазаси нордон ширин. Экилгандан 3 йили ҳосилга киради, 6-7 йили тўлиқ ҳосилга киради, 35-40 йил мўл

ҳосил беради. Бир туп дарахти 40-50 кг мева бериши мумкин. Мевасини таркибида 15-16% қанд, 0.6% кислота, 58-60% шарбат (сок) олиш мумкин. Меваси пишиш даври сентябр охири октябрни бошларига тўғри келади, феврал ойигача мевасини сақлаш мумкин.



сўнг 4-5 ой сақланади.

Қай аччиқ анор- мазаси нордон-ширин, меваси таркибида 14-15% қанд, 1.5-1.6% кислота, 45% гача шарбат (сок) олиш мумкин. Мевасини ўртача оғирлиги 220-250 гр, 2-3 йилда ҳосилга киради, тўлиқ ҳосилга кириши 7-8 йил. Бир тупи 20-25 кг гача ҳосил олиш мумкин. Меваси узилгандан



Мевасини сақлаш 3-4 ой.

Гюлеша розовая- пўсти ўртача-юпқа қалинликда, ранги қизил-пушти, мевасини ўртача оғирлиги 220-240 гр. Меваси таркибида 15-15.5% қанд, 1.2-1.3% кислота, 45% шарбат (сок) олиш мумкин. Ҳосилга 2-3 йилда, тўлиқ ҳосилга эса 7-8 йилда киради. Ўртача бир тупидан 20-25 кг ҳосил олиш мумкин. Ўртача ҳосилдорлик 170-200 ц/га.

